Аминова Раҳима Қодировна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг бўлим мудири, 447-сайлов округи

Конденкова Александра Ивановна — «Тошкентвино» комбинатининг контролёри, 448-сайлов округи.

Досичева Тамара Константиновна — 1-ун комбинатининг катта торозбони, 449-сайлов округи.

Мирюпусова Мунира Фозиловна — Тошкент хладокомбинатининг мастери, 450-сайлов округи.

Зуфаров Комилжон Аҳмаджонович — Тошкент Давлат медицина институтининг ректори, 451-сайлов округи.

Мусин Ирин Харасович—«Ташсельмаш» заводининг директори, 452-сайлов округи.

Богданова Надежда Александровна — 2-ун комбинатининг катта торозбони, 453-сайлов округи.

Раҳматуллаев Нигматулла — «Ташсельмаш» заводининг ишчиси, 454-сайлов округи.

Муйдинов Маҳмуд — «Ташсельмаш» заводининг слесари, 455-сайлов округи.

Локтева Анастасия Михайловна — «Ташсельмаш» заводининг солиштирувчиси, 456-сайлов округи.

Боронов Николай Николаевич— «Ташсельмаш» заводининг токари, 457-сайлов округи.

Шахбозов Жалол — меҳнаткашлар депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитетининг раиси, 458-сайлов округи.

Юнусова Хасана Ахмаджоновна — Тошкент Давлат медицина институти болалар касалликлари кафедрасининг мудири, 459-сайлов округи.

Чеснокова Алевтина Андреевна — шампан винолари заводи ишчиси, 460-сайлов округи.

Рогозина Рауза Ахмедовна — газ аппаратлари заводининг техник технологи, 461-сайлов округи.

Маъсумов Содиқ Алиевич — Тошкент Давлат медицина институтининг кафедра мудири, 462-сайлов округи.

Сявец Виктор Николаевич — Чкалов номли авиация заводининг бош инженери, 463-сайлов округи.

Раҳимхўжаев Орип — Чкалов номли авиация заводининг слесари, 464-сайлов округи.

Тожимуродов Ҳолмурод — Чкалов номли авиация заводининг пигувчи слесари, 465-сайлов округи.

Королев Вячеслав Филиппович — Тошкент шаҳар телефон тармоқларининг бошлиги, 466-сайлов округи.

Зотов Григорий Васильевич — Чкалов номли авиация заводи партия комитетининг секретари, 467-сайлов округи.

Нишбекова Раъно Ҳамдамовна — Чкалов номли авиация заводи инженер-конструктори, 468-сайлов округи.

Алимов Абдуфаттоҳ — Чкалов номли авиация заводи 5-цехининг мастери, 469-сайлов округи.

Иброҳимов Ғаффор — Чкалов номли авиация заводининг полировкачиси, 470-сайлов округи.

Муҳаммаджонова Саломат Усмоновна — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг секретари, 471-сайлов округи.

Легкодимова Инна Петровна — Чкалов номли авиация заводининг ишчиси, 472-сайлов округи.

Калинина Вера Акимовна — санитария-техника жиҳозлари заводи механика-йигув цехининг штамповкачиси, 473-сайлов округи.

Пўлатов Ғуломжон — Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг биринчи секретари, 474-сайлов округи.

Машарипов Рихсибой Қодиркулович— 3-қурилиш трести 63-бошқармасининг бетончиси, 475-сайлов округи.

Серпова Тамара Павловна — 2-темир-бетон буюмлари заводининг кранчиси, 476-сайлов округи.

Суликовская Антонина Михайловна — 60-мактаб ўқитувчиси, 477-сайлов округи.

Макаров Александр Хриссанфович — ҳарбий хизматчи, 478-сайлов округи.

Рўзматов Усмон — Тошкент товар станциясининг катта башмачиги, 479-сайлов округи.

Ракша Лариса Федоровна — 1-вагон депосининг ўт ёқувчиси, 480-сайлов округи.

Ропяк Надежда Георгиевна — Тошкент қоғоз комбинатининг ишчиси, 481-сайлов округи.

Дўстхўжаев Нигмат — Ўзбекистон ССР радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетининг бош режиссёри, 482-сайлов округи.

Тошкенбоев Сайфулла Иброҳимович — Тошкент тепловоз депосининг слесари, 483-сайлов округи.

Ганин Юрий Иванович — пахтачилик машинасозлиги бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг слесари, 484-сайлов округи.

Раҳимов Нурмат — Қўйлиқ механика-ремонти заводининг слесари, 485-сайлов округи.

Носиров Амирсаид — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети фан бўлимининг мудири, 486-сайлов округи.

Пелипенко Анна Афанасьевна — «Ташэлектромаш» заводининг прессловчиси, 487-сайлов округи.

Екубжонова Хосият — Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари, 488-сайлов округи.

Пикман Леонид Яковлевич — 3-қурилиш трести бошқарувчиси, 489-сайлов округи.

Кобилова Тамара Петровна — Тошкент мой-ёғ комбинатининг ишчиси, 490-сайлов округи.

Орипов Исмоил — 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадири, 491-сайлов округи.

Шестерин Феликс Кузьмич — 46-автобаза шофёри, 492-сайлов округи.

Чумак Юрий Михайлович — 1-уйсозлик комбинати монтажчилар бригадири, 493-сайлов округи.

Симакова Ольга Капитоновна — 1-уйсозлик комбинати бўёқчилар бригадасининг звено бошлиги, 494-сайлов округи.

Апрелев Иван Васильевич — ҳарбий хизматчи, 500-сайлов округи.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссияси.

Ленин декретининг 50 йиллиги

Меҳнаткашлар учун курортлар

«... Даволаш жойлари ёки курортлар РСФСР территориясининг қаерида бўлмасин ҳамда илгари курортга хизмат қилган ва курортга қўшилган, унга ажратиб берилган ерларда бўлган барча иншоотлари, иморатлари ва буюмлари билан бирга кимга қарашли бўлмасин, республиканинг мулки бўлади ва даволаш мақсадларида фойдаланилади».

Бу сатрлар Халқ Комиссарлари Советининг «Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган даволаш жойлари тўғрисида» қабул қилган декретидан олинган сатрлардир. Ҳужжат остида Владимир Ильич Ленин имзоси — 1919 йил 20 март санаси қўйилган.

Ўша вақтларда республиканинг аҳволи қийин эди. Байронагарчилик, очлик ва юқумли касалликларни йўқотиш, қаттиқ қаршилик кўрсатаётган контрреволюцияга, интервентларга қарши кураш олиб бориш керак эди. Шундай бўлса ҳам Владимир Ильичнинг кўрсатмасига биноан, меҳнаткашларни даволаш учун курорт жойлардан фойдаланиш кенг программасини белгилаб берган декрет тайёрланди. Ленининг геннал башорати, унинг кишилар тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги, порлоқ келажакка бўлган ишончи ифодаланган ҳужжат совет соғлиқни сақлаш ишн учун негиз бўлиб қолди.

ТАСС мухбири З. Хромова иттимосига биноан, касаба союз курортларини бошқариш марказий Советининг раиси И. И. Козлов курортларимизнинг ҳозирги кунги тўғрисида, Ленин белгилаган вазифалар ҳозир қандай бажарилаётганлиги ҳақида гапириб беради.

«Умумдавлат аҳамиятидаги даволаш жойлари тўғрисида», «Меҳнаткашларни даволаш учун Қримдан фойдаланиш тўғрисида» қабул қилинган декретларда ва бошқа ҳужжатларда ифодаланган Ленин фикрининг асосий йўналиши **курортлар меҳнаткашларники бўлиши керак**, деган гапга қаратилган.

Курорт қурилиши тўғрисидаги Ленин декретлари ҳануз катта аҳамиятга эга. унда кўзда тутилган принциплар мамлакатимиз меҳнаткашларини санаторийлардан даволаш ва ҳордиқ чиқаришнинг ривожлантириш ва такомиллаштиришга асосланади.

— Ўтган йили ўн миллиондан ортиқ совет граждапларн санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларида, шу жумладан 8 миллиондан ошиқ киши касаба союзларнинг соғломлаштириш уйларида даволанди ва ҳордиқ чиқарди. Барча йўлланмаларнинг 80 процепти ишчи ва хизматчиларга имтиёзли шартлар билан берилди.

Планли равишда ўтказилаётган курортологик ва гидрогеологик тадқиқотлар (уларнинг суръатлари ва миқёси секин аста ўсиб борди) кўпдан-кўп минерал манбаларни, шифобахш балчиқлар бор жойни топишга, индпвидуал шароитлари айниқса қулай бўлган неча ўнлаб ва юзлаб районларни аниқлашга имкон берди. Мамлакатда ана шу бой табиий бойлик базасида 500 дан ортиқ курорт барпо этилиш ишлари турибди. Соғломлаштириш муассасаларининг географияси муттасил кенгайтириб борилмоқда.

Санаторийлар ва дам олиш уйлари Совет Иттифоқининг барча иттифоқдош республикаларида, ўлка ва областларида Ғарбдаги чегаралардан то Тинч океанга қадар бўлган масофани қамраб олган. Эндиликда жаҳонга машҳур Қора денгиз соҳилидаги курортлар, Кавказ минерал сувлари, Рига денгиз бўйи курортлари билан бирга Урал, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистонда янги соғломлаштириш муассасалари вужудга келди. ВЦСПС саватория, курортларда даволашни касаба союз аъзолари яшаётган ва меҳнат қилаётган шаҳарлар ва посёлкаларга яқинлаштириш йўлидан бормоқда. Яқиндагина Приморье ўлкасида Шмаковка курортининг 650 ўринли биринчи навбати, Чита областида 570 ўринли Дарасуи курорти ишга туширилди. Владивосток яқинидаги Сангород курортида 1100 ўринли санаторийни қуришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу билан бирга эски курортлар ҳам кенгайтирилмоқда. Жуда қулай шароитлари бор санаторийлар ва пансионатлар вужудга келтирилмоқда, дам олиш уйлари ва курорт поликлиникалари очилмоқда, шинам болалар шаҳарчалари барпо этилмоқда. Медицина фанининг, шунингдек биофизика, биохимия ва электроника эришган муваффақиятлардан санаторий-курорт ишида фойдаланилмоқда.

Янги текшириш методлари эндиликда касалликларга диагноз қўйиш ва уларни даволашни анча яхшилашга имкон беради. Сўнгги вақтларда биотелеметрия методи курорт практикасига жорий қилинмоқда. Бу метод беморлар сайр қилаётган ва процедуралар қабул қилаётган чоғда, даволаш физкультураси ва спорт ўйинлари билан машғул бўлган пайтда олисдан туриб уларни текширишга имкон беради. Электрон-ҳисоблаш техникасида эса электро кардиограммаларнинг мазмунини очишда ёрдам бермоқда. Меда-ичак органлари касалланган кишилар даволанувчи баъзи санаторийларда гастрография қўлланилмоқда, меда-ичакнинг айрим функциялари эса радиокапсулалар ёрдамида текширилмоқда.

Кўпгина соғломлаштириш муассасаларида паст ва юқори частотали токлар, ультра товуш билан даволаш қўлланилмоқда.

Касаба союзлар фақат шу йилнинг ўзида мавжуд санаторийлар ва дам олиш уйлари ҳузурида 23 минг ўринли соғломлаштириш муассасалари ва алоҳида оромгоҳ корпуслари, шунингдек бир қанча сув ва балчиқ шифохоналари, курорт поликлиникалари қуришни ва бошқа хизматлар вужудга келтиришни мўлжаллаб қўйди. Қурилиш, капитал ремонт ва ободонлаштиришга, асбоб-ускуна ва жиҳозлар харид қилишга 200 миллион сўмдан зиёд. —1968 йилдагидан 44 миллион сўм кўп маблағ сарфланади.

Совет кишилари курорт қурилиши юзасидан қабул қилинган декретларда ифодаланган Ленин васиятларини муқаддас тутиб, Ленининг «Курортлар меҳнаткашларники бўлиши керак» деган наказини тўла-тўкис бажаришга ҳаракат қилмоқдалр.



ОДЕССА. Яқинда фойдаланишга топширилган автоматлаштирилган алоқа бўлими шаҳар меҳнаткашларининг мамлакатимиздаги ўн икки шаҳар билан видеотелефон орқали алоқа боғлашларига имконият яратади. Шунингдек, бу ерда шаҳарлараро алоқа автоматлари ҳам ўрнатилди. Абонент Краснодар, Киев, Кишинев, Севастополь, Николаев, Херсон шаҳарларидаги ўзига зарур телефонни ҳеч кимнинг ёрдамисиз улаб олиши мумкин.

СУРАТДА: телевизион жиҳозни монтаж қилиш ва тартибга солишда актив қатнашган инженер В. А. Салабай алоқа боғлашдан олдин аппаратни текширмоқда.

Н. Павленко фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Сергей БАРУЗДИН

Ўтмиш сабоқлари

Боря пешонасини қашлаб қолди.

— Бу ерда иккита сабаб бўлиши мумкин. Ё қизга ижобатан йигит ақлли бўлса—бу қизга хуш ёқади. Ёки... Айт-чи, уларнинг бўйлари қанақа?

— Бўйлари дейсанми?

—Ростини айтсам, шу пайтгача буни ўйлаб кўрмаган эканман. Бўй масаласи менга мактабда жуда қийнарди: мен синфда қолган болага ҳеч ўхшагим келмасди.

— Қайси бири паст бўйли, қайси бири баланд бўйли, деяпман,—деди Боря. — Қизлар миттивойларни ёқтирмайди.

— Йигитнинг бўйи баланд!— дедим дадиллик билан.

Бу гапимнинг тўғрилигига бемалол бошим билан жавоб бергим бўлаверарди. Ахир, узун бўйнимга «ундирилган» кичкинагина каллам бунинг исботи эди-да!

— Шундайми? Ундай бўлса, тушунарли. Демак йигит қизга нимаси биландир ёқади.

Оғзим қулоғимга етаёзди, бироқ, бирданига «Боря буни сезиб қолса-я!» деб қўрқиб кетдим.

— Мен ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим, — дедим ёлғондакамига бепарво оҳанг билан.—Сенингча, йигит қизни ёқтиришини қандай қилиб айтиши керак?

«Мутахассис» яна пешонасини қашлашга ва ўйлашга тушди.

— Йигитнинг ўзи қанақа?— деди у ниҳоят.— Юраги борларданми ёки чумчуқ пир этса- юраги шир этадиганлардан-данми?

Узимнинг журъатсизлигимни тан олгим келмасди, лекин тавакқал қилишга мажбур эдим:

— Менимча, унча ботирлардан ҳам эмас...

— Ундай бўлса, яхшиси, хат ёзгани маъқул. Шундай, шундай... Мен сени севаман, сенсиз яшайолмайман, десин. Фақат шуни уқсинки, хатни тўғридан-тўғри ўз қўлига топшириши керак. Бўлмаса, ким билсин... Бошқа бировнинг қўлига тушиб қолсами, устидан роса кулишм мумкин...

Сездимки Боря буларни ўзининг тажрибаларига асослаб айтаяпти.

Шундай қилишга қарор қилдим. Ёздим. Ёздим-у йиртиб ташладим. Яна ёздим. Яна йиртиб ташладим. Езганларимнинг биттаси ҳам ўзимга ёқмади.

Доимо ойимдан қочиб юрардим, аммо бу сафар дадамнинг қўлига тушиб қолдим.

— Ҳа, яна шеърми? Қани, нима тўғрисида экан?

Илгарилари дадам ҳам шеър ёзиб юраркан (ойим унинг шеърларини зўр бериб мақтарди. Ўзига бағишланган шеърлар бўлса керак-да), шунинг учун у ўз ишининг давом эттирилаётганидан хурсанд эди.

Бахтимга, хатни шеър дафтаримга ёзаётган эканман.

— Мана. кўрақолинг,—деб дуч келган бетини очдим-у, кўрсатдим.

Дадам дафтарни олди-ю, (хатни эса қўлимда олиб қолдим) овоз чиқариб ўқий бошлади:

Қайғу, соғинч ила диммо-лим,
Севимли Пушким
сатрларидай
Ўтар ою-кунлар кетма-кет.
Ахир, ҳамма нарса ўтар-да!
Наҳот Есенин ҳам ўзин-ўзи
Ўлдирган тополмай ўзга
бир чора?
Лекин барча нарса тугаган
эмас —
Жон Россия онамиз
қолган.
Топиб бизнинг кўнглимиз
олган.

Ҳатто яхшиликни қайғудан

— Ўҳў. Шундай дегин ҳали. Шеъринг йиғлоқи чиқиб қолибди-ку.— деди ўқиб бўлиб.— Ростдан кайфиятинг шундайми ҳозир?

—Ахир, бу шеър-ку, дада.

—Ҳа, ундай бўлса. бошқа гап, — деди бир нарсага тушунгандай.

Ўша пайтларда чиндан ҳам шеър шундай ёзилиши керак, унда йиғлаганингни, билганингни ифодалаш шарт эмас, деб ўйардим.

— Николай Степаничга кўрсатдингми? — сўраб қолди дадам.

— Ҳа.

Николай Степанич деганимиз— бизларнинг қўшнимиз. дадам уни яхши кўрарди.

— Пионерлар саройидагиларга-чи?

Индамадим.

— Кўрсатмаганинг яхши бўлибди. — деди у.

Эртасига хатни бошқатдан ёздим. Энди унга фақат учтагина оддий сўз («мен сени севаман») ёзгандим. Охирига эса номимни ёзиш ўрнига исмим ва фамилиямнинг биринчи ҳарфларини қўйиб қўйдим.

Ўша куни кечқурун Пионерлар саройига бордим, аммо Наташани учратолмадим. Уйга қайтиб келдим-да, хатни ўқиб кўриб, «жудаям!»а деган сўзни қўшиб қўйдим. Бирпас туриб, яна «жаҳлинг чиқмаслиги» деган у яхши кўрадиган сўзларни ҳам қўшиб қўйдим.

Фақат икки кундан кейин хатни унга қийнала-қийнала узатдим. Узатдим-у, дарров қочиб қолдим. У бўлса оғзини очиб, ҳайрон бўлиб қолаверди.

Лекин менга энди барибир эди.

* * *

Ҳаммамиз бир хонада яшаганимиз учун, кўпинча эшитишим керак бўлмаган гапларни эшитиб қолардим.

— Барибир, мен ундан сўрайман, — деди бир куни кечқурун ойим шивирлаб.— Кечалари қаёққа йўқолиб кетар экан, десам, бир қиз билан юраркан.. Уз кўзим билан кўрдим. Сен мени бунга қаршилик қилмоқчи деб ўйлама, мен фақат ҳамма нарсанинг ўз йўли билан бўлганини яхши кўраман, холос. Майли, уни уйга чақирсин. бизга таништирсин. Сен уйда бўладиган вақтни мўлжаллаб олиб келсин, шундай қилсак, нима дейсан?

— Менимча, бундай қилишдан фойда йўқ, — деди дадам уйқусираб. — Олиб келди ҳам дейлик. сен уни кўрдинг ҳам дейлик. Бундан нима чиқади? Фақат ўғлингни ҳам, қизни ҳам уялтирганинг қолади, ҳолос. У қиз борми, йўқми — ким билади? Сен пашшани фил қилиб кўрсатаяпсан.. Иннакейин, унинг олдига тушиб нима қиласан? Ўзингнинг ишларинг камми ди?. Ахир, энди унинг орқасидан югуриб юриш уят эмасми? Умуман, одамга ишониш керак. Ўзинг ўйлаб кўр, у сенга фақат ўғилгина эмас, ўлгайиб ўзича мустақил одам бўлиб қолди-ку. Мана гап қаерда!

— Мен Вера Ивановна билан ҳам гаплашиб кўрдим, у ҳам тўғри деяпти. Бизда ҳамма ўғил болалар билан қизлар дўст, иноқ дейди.

— Дўст бўлса, дўст бўлибди-да. Нима, сен унинг ёшида шундай бўлмабмидинг?

— Ахир мен..

— Нима «сен»? Мен билан қандай таништанинг эсингдан чиқибдида! — кулиб юборди дадам. — Ушанда неча ёшда эдинг? Ўн тўртдамидинг? Уям ҳозир ўн тўртда! Мен-чи, мен илк бор ўн ёшимда севиб қолганман. Қара-я, ўн ёшимда! Тағин кимни севиб қолгансан де — кап-катта бир аёлни! Мана, ишлар шундай!

— Секинроқ, барака топкур!—деди ойим. — У эшитиб қолади-ку.

Эрталаб ойим менга:

— Ҳайронман, сен нимага Пионерлар саройидаги ўртоқларингни уйга таклиф этмайсан? Қизларингни ҳам? — деб қолди.

— Нега энди?

— Нега, бўларди? Шунчаки, чақиргин — Уйда бир ўтириш қилардинглар-да.

— Хўп, ойи, пайти келганда, — деб мулойимлик билан ваъда қилдим.

У мени дугонасиникига судраб қолди. Ўёғимни тираб, бормайман деб туриб олдим (ахир, у менинг хатимга жавоб бермаган эди). Аммо Наташа ўз сўзидан қайтмади.

— Дарров кирамиз -у, чиқамиз. Мен уни табрикласам бўлди. Бугун, ахир унинг туғилган куни.

Ёнимда пулим йўқ., аммо янгни Георгий Шенгелининг «Шеърият қонунлари» китоби бор эди.

— Ундай бўлса, мановини унга совға қилақолайлик?— таклиф қилдим ичимнинг бир чеккаси ачишиб турса-да. Бу китобни зўрга топганим учун, кўзим қиймасди.

— Бўпти! — дарров рози бўлди. — Жуда яхши бўлади. Ахир, Леночка ҳам яширинча шеърлар ёзиб туради. Бироқ кейин афсус қилиб юрмайсанми?

— Йўғе!

Мен ундан ҳеч нарсамни аямасдим. Леночкани айтаётганим йўқ, албатта.

Биз Кремль қаршисидаги София қирғоғига жойлашган эскигина бир қаватли уйга кириб келдик. Унчалик катта бўлмаган бир хонада ўнга яқин ўн беш-ўн олти ёшлардаги ўғил-қизлар чувиллашаётган эдилар. Мен уларнинг орасида ўзимни ортиқча сезмасдим, чунки улар менинг ёшимни, хатто исмимни ҳам сўрамадилар. Биз «бузуқ телефон», «почтахона» ўйинларини ўйнадик. Ҳаммаси яхши кетаётган эди-ю, аммо... Қип-қизариб кетган Леночка:

— Келинглар. яна рақсга тушамиз! Рақсга! — деб қолди.

Энди патефон ўз ашуласини эза бошлади.

Толиққан қуёш
Хайрлашди денгиз-ла меҳрибон.
Сен эса айтардинг менга шу он,
Йўқ деб дунёда муҳаббат..
— Рақс тушасанми? — сўради мендан Леночка.

— Йўқ, мен.., билмайман,— дедим сўниккан овоз билан. Бу ҳали ҳолва эди. Наташа ҳалиги гапларни эшитмаганга ўхшайди. У югуриб келиб:

— Юр, рақсга тушамиз!— деб қолди.

Даҳшат! Нақадар даҳшат! Ҳаётдаги энг керакли нарсани — рақсни ўрганмабман, нега илгарилари бу тўғрида ўйламабман?

— Шу.., менинг рақсга тушгим келмаяпти-да, — дедим минғиллаб.

— Ундай бўлса, шеър ўқи! — деди Наташа. — Леночка ҳам эшитсин. Ахир, у ҳам ёзиб туради-ку Леночка, Леночка! Бу ёққа қарагин! Унинг шеърлари жуда яхши!

Узимнинг шунчалар йўқотиб юборибманки, шеър ўқиб юборганимни сезмай қолибман:

Қайинзор орасида туғилганмиз.
Она меҳрин берди, онамиз боқди.
Дўстлар, биз кенгликни жон дан севганмиз

Яшил дастурхондай юракка ёқди.
Юзлаб сўқмоқ, ўрмон йўллар ҳам.
Қачондир кўз кўрган. билган ва юрган
Ҳамма ардоқлайди ҳар чоқ, ва ҳар дам
Россия деб аталган сени, эй Ватан..

Шеърга ҳеч ким қулоқ солмасди. Леночканинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳатто Наташанинг ҳам шеърим билан иши йўқ эди.

У бошқа болалар билан рақсга тушаётган эди. Улар менга балодай кўринниб кетди. Бунинг устига ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим.

(Давоми бор)

КЕКСА УНИВЕРСИТЕТЛАР

Университетлар антик даврдан илгариёқ пайдо бўлган бўлиб, уларда ўша даврда мавжуд ва зарур бўлган барча фанлар ўқитилган. Тарихчилар эрамиздан аввалги 176 йилда Афинада очилган олий мактабни энг биринчи университет деб ҳисоблайдилар. Мазкур университетда саккиз фалсафа ва икки ҳуқуқ кафедраси бор эди. Бу мактаб ўз даврида йирик фан даргоҳи ҳисобланган.

Антик дунёнинг буюк мутафаккири Птоломей замонасидаги Александрия олий мактабининг шуҳрати кенг ёйилган. Бу олий мактабда фалсафа, тиббиёт, риёзиёт, риторика ва филология илмлари ўқитилган.

Университет термини V асрда пайдо бўлади. Эрамизнинг 425 йилида Константинополда (ҳозирги Истамбулда) очилган олий мактаб Византия императори Федосийнинг фармойиши билан университет деб атала бошланди.

Европа мамлакатларида XII асрдан бошлаб қўпгина университетлар ташкил этилди. Жумладан Англияда 1168 йилда очилган Оксфорд, 1209 йилда очилган Кембриж, 1200 йилда очилган Париж, Прага (1348), Краков (1364) ва Вена (1365) университетлари шулар жумласидандир.

Ватанимиз территориясидаги энг кекса университет В. Капсукас номидаги Вильнюс университетидир. У Вильнюсда иезутлар ордени томонидан 1578 йилда ташкил этилган академия асосида вужудга келди. Бу ерда дастлаб фалсафа ва теология каби фанларгина ўқитилган. Аммо XVIII асрнинг ўрталарига келиб сиёсий фанлар, физика, риёзиёт ва география каби фанларни ўқитиш кенг йўлга қўйилди. 1773 йилда иезуитлар ордени тугатилгандан сўнг Академия Литва Бош мактабига айлантирилди. 1803 йилдан бошлаб Вилен университети деб аталабошланди.

Россияда биринчи университетга 1755 йилда улуғ рус олими М. В. Ломоносов томонидан асос солинди. Бу университет ҳозирги Москва Давлат университетидир. Университетнинг очилиши рус халқи ҳаётида катта воқеа бўлди. Машҳур рус шоир ва ёзувчиларидан О. С. Грибоедов, М. Ю. Лермонтов, М. С. Тургенев ва А. П. Чеховлар шу университетда таълим олганлар.

Улуғ Ленин декрети билан 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда очилган Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) Туркистон халқларининг маданий ҳаётида катта бурилиш ясади. Ҳозирги вақтда ТошДУ да 13 факультет мавжуд бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб 15 мингга яқин студент билим олмоқда. Университет ҳар йили минглаб талабаларга ҳаёт йўлланмасини беради.

С. АКРОМХЎЖАЕВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РАДИО

20 март
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Машинасозлар—қишлоққа инмалар беришади» деган эшиттириш (ўзбекча).
18.10 Ленин ҳақида қўшиқлар.
19.20 Татар куйларидан концерт.
20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.
20.30 Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Бурнашева куйлайди.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат.
21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.
21.55 «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча).
22.20 Лирик куйлар.
22.40 Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча).
23.15 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий лирикаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча).
19.30 «Хатларингизга жавоб берамиз». Музикали эшиттириш (русча).
20.00 Л. Шарипова куйлайди.
20.30 И. Акбаров. Торли квартет.
21.00 Қахрамон Вьетнам адабиёти (ўзбекча).
21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

21 март
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт.
8.25 Халқ галантлари концерти.
9.30 Меҳнат ҳақидаги қўшиқлар (ўзбекча).
9.50 Халқаро мавзуларда эшиттириш (тожикча).
10.10 Куйлардан-куйларга (ўзбекча).
11.15 «Улуғ астроном ва мутафаккир». Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 575 йиллиги олдидан (русча).
11.30 Ўзбекистон радио ва телевидениеси хор коллективининг концерти.
12.45 «Замондошларимиз». Адабий эшиттириш (ўзбекча).
13.30 Н. Римский-Корсаков ва С. Рахманинов асарларидан концерт.
15.15 «Жаҳон прогрессив адабиёти». К. Чандр. «Шамоллар онаси». Радиопостановка (ўзбекча).
16.10 Ёшлар учун музикали соат (ўзбекча).
16.50 «Правда» газетасининг обзори.
17.00 «Ўзбекистон композиторларининг симфоник куйлари». Музикали эшиттириш (русча).
18.00 «Юлдузлар оламининг тадқиқотчиси». Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 575 йиллиги олдидан (ўзбекча).
18.10 Вальслар.
19.20 «Қўшиқчи шоир Э. Шемизода» (татарча).
20.00 «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали.
20.30 Саноат ходимлари учун концерт.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат.
21.10 Концерт.
21.40 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида» деган суҳбат (ўзбекча).
22.20 Чолғу куйлари.
22.40 Х. Салоҳ. «Наъматак». Радиокомпозиция (ўзбекча).
23.15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Енгил чолғу куйлари.
9.15 Реклама ва эълонлар.
19.00 Республика композиторларининг қўшиқ ва романслари.
19.30 «Ҳамзанинг ниқолобий шеърлари ва қўшиқлари». Музикали эшиттириш (русча).
20.00 «Баҳор байрами». Адабий-музикали эшиттириш (тожикча).
20.30 Оркестр куйлари.
20.50 «Пахтанинг янги нархлари». Иқтисод фанлари кандидати С. Салимов суҳбати (русча).
21.00 М. Горький. «Хон ва Хонзода» ҳикояси асосида радионисценировка (ўзбекча).
21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 «Композитор И. Альбеникс». Музикали эшиттириш (русча).
14.30 Е. Исаев. «Хотира ҳукми». Поэма (русча).
16.00 Ўзбек халқ куйларидан концерт.

ТЕЛЕВИЗОР

20 март
ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:
18.00 Болалар учун. «Қунғир дельфин». Кинофильм.
18.10 Телевизион янгиликлар.
18.25 Ўзбекистон шифохоналари.

Ўзбек тилида:
18.55 Ўн минут музика.
19.05 Ўзбекистон оғир индустрияси ва машинасозларининг истиқболлари.
19.25 Кинолетописа. «Узоқ йиллар оша».
20.00 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм (рус тилида).
21.35 Телевизион янгиликлар.
21.50 Актёр Турғун Азизовнинг ижодий портрети.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.30 «Вақт» информацион программаси.
24.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. КАНАДА —АҚШ. Эшиттириш Стокгольмдан олиб кўрсатилади.
02.30 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ
ДУСТЛИК ЭКРАНИ

18.00 Старт эгасига.
18.15 Ёшлар учун. Телевизион театр.
18.35 «Сиз Тожикистонни биласизми?»
19.05 Янгиликлар.
19.20 «Тожикистон театри тарихининг бошланиши».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Телевизион янгиликлар.
20.15 Адабий театр.
21.00 Ўқувчилар учун. «Икки ўртоқнинг юз хил ўйини».
21.30 Беш йиллик маршрутлари бўйлаб.
22.00 Рангли телевидение программаси. «Дворянлар уяси». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:
20.00 «Гулсара» операси. А. Навоий номидаги опера ва балет Академик Катта театридан олиб кўрсатилади.

21 март
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида:
18.00 Юқори синф ўқувчилари учун эшиттириш.
18.40 Телевизион янгиликлар.
18.55 Анатолий Королев куйлайди.

Ўзбек тилида:
19.15 Телевизион янгиликлар.
19.30 «Наврўз лирикаси. Музикали эшиттириш.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. КАНАДА —ШВЕЦИЯ. Эшиттириш Стокгольмдан олиб кўрсатилади.
23.15 Янгиликлар эстафетаси.
23.45 «Янги соҳид сари». Телевизион музикали спектакль.
01.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР. Эшиттириш Стокгольмдан олиб кўрсатилади.
03.15 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси.
20.00 Ўқувчилар учун. «Ленин ҳақида ҳикоялар».
20.30 «Светофор шуъласи».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:
21.00 Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин!
21.20 «Ҳайкалтарош Меркуров». Илмий-оммабоп фильм.
21.40 «Икки ҳаёт». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 ОЛМАОТА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:
19.55 «Олий ном». Репортаж.
20.10 Телеочерк.
20.25 Ҳар доим сафда.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20|III да **Аяжонларим**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 20|III да **Гули снёх**

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 21/III да **Оққуш кўли**, 22/III да **Лайли ва Мажнун**, 23/III да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Парвона**, 22/III да **Алишер Навоий** (кундузи), **Аяжонларим** (кечқуруни)).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/III да **Қизбулоқ**, 22/III да **Бағри тош**, 23|III да **Навоий Астрободда**.

Кино

20 МАРТДА

Революция чавандозлари — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» НАВОИЙ НОМЛИ (ўзбек тилида), «МОСКВА» (кечқуруни)

Кашмирдаги севги (1-2 серия лар)— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни)

21 МАРТДА

Революция чавандозлари — САНЪАТ САРОЙИ, «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруни), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12,4 ва кеч 9.30 минутда).

Кашмирдаги севги (1-2 серия лар)— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни);

Асримиздан миллион йил илгари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруни).

Виринея «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқуруни).

Қилич ва қалқон (1-2 серия лар) — «МОСКВА» (кундуз 1 ярим, кеч 6,20 минутда).

Сўнгги табор —«ЧАЙКА» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҲЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» КОНТОРАСИ

Гул магазинларида ва янги турар жой массивларида

15 МАРТДАН

МЕВАЛИ КЎЧАТЛАРНИНГ САВДОСИНИ УТКАЗАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 6 уй, кўкаламзорлаштириш бўлими; Телефон №3-32-52.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 МАРТДА

Улуғ доҳиймиз Ленинни шарафлаймиз!

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Қатнашадилар:
Ўзбекистон ССР халқ шоири СОБИР АБДУЛЛА
Шоирлар:
Асқад МУХТОР, ЧАРХИЙ, Эътибор ОХУНОВА, Эркин ВОҲИДОВ;
Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
Берта ДАВИДОВА, Қундуз МИРКАРИМОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Таваккал ҚОДИРОВ (Фарғона)
Маҳбуба МАНСУРОВА (Қўқон)
Солистлар:
Маҳмуджон ИСОМУДДИНОВ (Наманган)
Хабиба ОХУНОВА (Наманган)
Муҳаббат ШАМАЕВА, ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист КАРИМА УЗОҚОВА

ХОРАЗМ АНСАМБЛИ „ЛАЗГИ“

Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

Реклама ва ЭЪЛОНЛАР



ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

1969 йил 1 апрель кундуз соат 12 да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий совет мажлисида (60 аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

С. Н. Арутюнов: «Кўк толали канол етиштиришда фосфорли ўғитларни экиш билан бирга солиш» деган темада;

Н. Сметов: «Қорақалпоғистон шароитида ғўзани кенг қаторлаб жойлаштиришнинг афзаллиги» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент область, Орджоникидзе 4).

1969 йил 3 апрель кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, бош корпус Г-303 аудитория) физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

У. Джиемуратов: «Алгебра ик сонлар майдонларининг идеаллари ҳақида» деган темада;

А. А. Юдин: «Аналитик сонлар назариясидаги қуйидан баҳолашларда тригонометрик йиғиндилар усули» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10 уй).

1969 йил 3 апрель кундуз соат 2 да В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетида филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

Р. Равшанова: «Ҳозирги ўзбек адабий тилида боғланган қўшма гапларнинг структураси» деган темада

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ССР Иттифоқи металлургия Министрлигининг

ЎРТА ОСИЁ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА

машинистка, ҳўжалик мудири, инженерлар; умум овқатланиш бўлимига технолог, қурувчи; умум-овқатланиш бўйича техник-технолог, бухгалтер, товаршунос

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 17-уй, орталаб соат 10 дан кеч 7 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари учрашилсин. Телефон В-3-01-81.

«УЗЭНЕРГОСБИТ» АБОНЕНТЛАРДАН ҲАР ОЙНИНГ БИРИНЧИ ЎН КУНЛИГИДА

Фойдаланилган электр энергияси учун счёт ёзиб Давлат омонат кассалари орқали пул тўлашларини

Сўрайди

Қандай эҳтиёжлар учун фойдаланганлигидан қатъий назар, электр энергия учун қарзи бўлган абонентлар уни тезда

Тўласинлар

Ўз вақтида тўланмаган счётлар учун

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ

Тошкент оқшоми 4 бет. 20 МАРТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29,70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари 33-27-57, ахборот бўлими —33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579. НАШР 2706 Р. 04217